



MILLIY TIKLANISH

47 (212) ● 2012 йил 21 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



СУРХОНДАРЁ вилояти Шеробод туманида хусусий тадбиркорликни йўлга қўйган оилалар кўп. Жумладан, «Дўстлик» маҳалласида яшовчи уста Абдумажид Жумаев оила аъзолари билан сандиқ, бешик, замонавий ва миллий дизайн услублари уйғунлашган уй жиҳозлари ясади.



БОФИШАМОЛ sanoat kasb-xunar kollezhida taхsil oлаётган ўқувчи-ёшлар билимга бўлган интилиши, ҳаракати билан алоҳида ажралиб туради.



ХАЛҚИМИЗ маънавий ва миллий қадриятларга ниҳоятда бой. Хусусан, лапар ва айтишувлар, топишмоқ ҳамда аллалар, мақоллар халқ оғзаки ижоди намуналаридан саналади.

5 МАЪНАВИЯТ

6 ЖАРАЁН

8 КЎЗГУ

ХАБАРЛАР

Замонавий архитектура: амалиёт ва тажриба
 Пойтахтда замонавий архитектура ва инновацияларга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Европа ва МДХ мамлакатларидан келган архитекторлар, олимлар, соҳа мутахассислари, талаба ва магистрлар қатнашди.

Анжуманда меъморчиликда анъаналар интеграцияси, замонавий архитектуранинг трансформацион йўллари, шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш, таълим тизимини ислоҳ қилишда архитекторлар тайёрлашнинг муҳим масалалари муҳокама қилинди. Халқаро анжуман доирасида Тошкент архитектура ва қурилиш институти профессор-ўқитувчилари ва талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Янги иш ўринлари
 Фориш туманининг тоғли Мин қишлоғида хунармандлар кўпчиликини ташкил этади. Шулардан бири Номозбек Жўракулов ўз маблағи, қолаверса, банкдан олган кредити эвазига чинни тайёрлашни йўлга қўйди.

Айни пайтда тадбиркорнинг оила аъзоларидан ташқари яна тўрт киши ишлаётган хусусий корхонада ўнлаб турдаги рангбаранг ҳамда сифатли чинни буюмлари ишлаб чиқарилаёпти. Маълумотларга кўра, ўтган йили туманда 70 дан зиёд кичик бизнес субъектлари ташкил этилган. Бу йил эса уларнинг сони 180 дан ошиши ва шу тариқа яна 2000 нафар кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

“Bazar-Art” кўргазма-ярмаркасига оз қолди
 Фонд Форум, «IJOB» Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида жорий йилнинг 24-26 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Bazar-Art» кўргазма-ярмаркаси ўтказилади.

Ун биринчи марта ўтказилаётган ушбу кўргазмада юртимизнинг барча вилоятларидан келган 150 нафар амалий санъат усталари қатнашади. Кўргазмага миллий сўзана, чинни ва сополдан ишланган эсдалик соғвалари, замонавий ва анъанавий дизайнда ясалган заргарлик буюмлари, шойи буйинбоғ, костюм ва нақшинкор матолардан тикилган сумка ва бошқа буюмлар қўйилиши кўтилмоқда. Шунингдек, ярмарка давомида устасунаармандлар томонидан маҳорат дарсларининг ўтказилиши режалаштирилган.

ФРАКЦИЯ ХАЁТИ



ЎзМТДП фракцияси йиғилишида

2013 йилги давлат бюджетни лойиҳаси кўриб чиқилди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Унда фракция аъзолари, вазирлик, идоралар мутасаддилари, экспертлар, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда 2013 йил учун асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети лойиҳаси мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, макроеқтисодий барқарорликни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби устувор

йўналишларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 19 январиди Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда белгилаб берган муҳим вазифаларни изчил амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Фракция йиғилишида эътироф этилганидек, 2013 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга, sanoat маҳсулоти ишлаб

чиқариш ҳажми 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6 фоизга, капитал қўйилмалар 9,3 фоизга ўсиши кўзда тутилаётганлиги, шунингдек, мазкур кўрсаткичлар жорий йил якунлари бўйича юқори бўлиши кутилаётганлиги келгуси йилга Давлат бюджети параметрларини шакллантириш учун асос бўлди. 2013 йилда солиқ-бюджет сиёсати бўйича ўтказиш тақлиф этилган тадбирларни рўёбга чиқариш натижасида Давлат бюджетининг даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,3 фоизни, харажатлари эса 22,3 фоиз ва тақчиллиги бир фоизни ташкил этиши кўзда тутилаётгани айтиб ўтилди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Вакиллик органи

УНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Конституция ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим белгиси, таъбир жоиз бўлса, шартларидан бири ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: “Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий Қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда”.



қич қатор янги нормалар киритилди. Фуқаролик жамиятининг муҳим институти саналган сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеи тобора юксалиб бормоқда. Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ўрни ва мавқеини оширишнинг ҳуқуқий асоси ва механизми яратилди. Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими вужудга келди ва тобора такомиллашиб бормоқда.

Фуқароларнинг ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи Конституция-мизда белгиланган муҳим ҳуқуқлари сирасига киради. Энг муҳими, давлат бошқарувидаги иштироки таъминланади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқаро андозалар, юксак демократик ва замон талабларига мос ва хос бўлган сайлов тизими шаклланди. Сайловга оид амалдаги қонунларни янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадида босқичма-бос-

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгиланган: унинг 12-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

4-бет

ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ

Демократик ислохотлар

ЖАРАЁНИДА ЎзМТДП ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИГА БАҒИШЛАНГАН ЎҚУВ-СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Пойтахтимизда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан “Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий услублари ва истиқболи” мавзусида партия Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари Кенгашлари ходимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари Кенгашлари Ижроия Кўмиталари ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Бир ҳафтага мўлжалланган ўқув машғулоти ЎзМТДП фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрлар потенциалини шакллантириш ва кучайтириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий билимларини ошириш, партия мафкураси ва ғоясини тарғиб этишнинг янги усул ва ёндашувларини жорий этиш мақсадида ўтказилди.

Семинарни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ахтам Турсунов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Бугун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларимиз онгида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда сиёсий партиялар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланади. Ушбу ўқув-



семинар партия “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” фаоллари, ҳудудий кенгашларнинг масъул ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий малакасини ошириш, энг асосийси, партия мақсад ва ғояси, сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, партия кадрлар захирасини шакллантириш ва ЎзМТДПнинг барча соҳалардаги фаолиятини таҳлил қилиб бориш имконини беради, — деди партия раҳбари.

2-бет

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Нукус шаҳрида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика “Хунарманд” уюшмаси ҳамкорлигида “Банк кредитларининг оқлавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти” мавзусида амалий семинар ташкил этилди.

Имтиёзли банк кредитлари

ЎзМТДП ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТМОҚДА

3-бет

“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Имтиёзли банк кредитлари

ЎЗМТДП ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТМОҚДА



(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаоллари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, партиянинг туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Республика "Хунарманд" уюшмаси ҳамда уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармалари масъул ходимлари, хунармандлар, тадбиркорлар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган ЎЗМТДП фракцияси аъзолари "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўз оилавий бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган хунармандлар учун кенг ҳуқуқий ва ташкилий имкониятлар яратганини алоҳида эътибор билан ҳамда ушбу қонуннинг асосий мақсади, мазмун ва моҳияти

хусусида йиғилганларга батафсил ахборот бердилар. Семинар якунида тижорат банклари томонидан 15 нафар хунармандга 257 миллион 600 минг сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиб, 30 та янги иш ўрнига замин яратилди. Шунингдек, тижорат банкларидан ўз фаолиятларини ривожлантириш бўйича кредит олган энг илғор хунармандларнинг кўргазмалари ташкил этилди.

Улугбек ЖАЛМЕНОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда миллий хунармандчиликни ривожлантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган аъёнларни давом эттиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунинг ижобий самараси ўлароқ асрлар оша яшаб келаётган, аждодлардан мерос миллий хунармандчилик қайта тикланиб, сайқал топмоқда. Бу борада ЎЗМТДП Марказий Кенгаши томонидан партия Дастури ва сайловолди Вазифасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, хусусан, партия электорати бўлган хунармандларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллалар-

да оилавий бизнесни йўлга қўйиш, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш, аёллар бандлиги ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш ҳамда уларни тижорат банклари хизмат турлари, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан мунтазам таништириб бориш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, жорий йил давомида Андижон, Самарқанд, Хоразм ҳамда Наманган вилоятларида "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусида ўтказилган амалий семинарлар доирасида 100 нафарга яқин хунарманд ва оилавий тадбиркорларга 2 миллиард 668 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиб, 200 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Чори ШОДИЕВ, Республика "Хунарманд" уюшмаси масъул ходими:

— Юртимизда истиқлол йилларида халқимизнинг маънавий кадриятлари, урф-одат ва аъ-

аналари, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш борасида салмоқли қадамлар ташланди. Хусусан, халқамалий санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, миллий хунармандчиликни қўллаб-қувватлашга қаратилган 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Президентини Фармони қадриятларимиз давомчилари учун кенг имкониятлар яратди. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси электорати саналган хунармандларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Партия билан ҳамкорлигимиз миллий хунармандчиликнинг барча турларини ривожлантириш, халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" аъёнларий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кенгаш КАРИМОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида ЎЗМТДПдан сайланган депутат:

— ЎЗМТДПнинг иқтисодий соҳадаги асосий мақсади иқтисодиётни эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, ушбу жараён йўлидаги тўсиқларга барҳам бериш, ички бозорни сифатли ва зарур маҳсулотлар билан тўлдирishга кўмаклашишдан иборат. Шу билан бирга, иқтисодий фаолиятнинг илғор шакллари асосланган замонавий корхоналарни ривожлантириш йўли билан миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган индустриал сиёсатни такомиллаштириш, миллий хунармандчилик соҳасидаги кичик бизнес субъектларига ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш ва янада соддаштириш каби вазифаларни амалга оширишга интилади.

Семинарда тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш шартлари ва кўрсатлаётган хизматлар, банкларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолати, мамлакатимиз банкларининг молия ва бошқа ресурслар билан таъминланганлик даражаси, хунармандларга берилган имтиёзлар атрофида муҳокама этилди.

Оттабек АЗИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки масъул ходими:

— "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида ёш оилалар, оилавий тадбиркорлик субъектлари, ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган касб-хунар коллежлари битирувчилари, уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида хотин-қизларга тақлим этилаётган банк хизматлари ва уларнинг афзалликлари ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Тадбирда хунармандларни ҳудудларда жой билан таъминлаш, туристик маршрутлар бўйлаб миллий хунармандчилик маҳсулотлари савдосини ташкил этиш, хом ашё ва замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш, миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва ёш авлодга касб сирларини ўргатишга қаратилган "устоз-шогирд" мактабларини маҳаллаларда ташкил этиш, уларни мольдалаштириш масалалари кўриб чиқилгани айтиш мумкин бўлди.

Файратбек МАДРЕЙИМОВ, Тўртқўл туманидан иштирок этган хунарманд:

— Юртимизда миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик соҳаси мустақиллик туфайли гуркираб ривожланмоқда. Мазлумки, миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" аъёнларини давом эттириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотларни жаҳон истеъмол бозорига олиб чиқишга кўмаклашиш билан шуғулланган аёлларга имтиёз ва имкониятлар яратиш каби масалалар муҳокама қилинди. Тадбирда сўз олганлар миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёлларни қўллаб-қувватлаш, уй бекаларини иш билан таъминлаш борасида қилинаётган амалий ишлар ҳақида мулоҳаза юритилди. Миллий кадрларимизнинг бир қисми ҳисобланган халқ хунармандчилигини ўсиб келаётган ёш авлодга ўргатиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, хунарманд хотин-қизларни ЎЗМТДП атрофида бирлаштириш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

ЎЗМТДП МК Ахборот хизмати

асоси", "Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ЎЗМТДПнинг муҳим вазифалари", "Ёшлар — мустаҳкам оила ва бахтли келажак иштирокчиси", "Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттиришда ЎЗМТДП "Ёшлар қаноти" аъзоларининг вазифалари" каби тадбирлар шулар жумласидандир.

— Истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда янги замон авлодини миллий кадрлар асосида тарбиялаш, дунёқарашини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Бунда халқимизга хос бўлган миллий-маънавий ва ахлоқий қадриятлар жой бўлган, таълим ва тарбияни бир-бирдан ажратмаслик усули асосида мунтазам иш олиб бормоқдамиз. Бу борада ЎЗМТДП билан ўзаро ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларга ота-оналар ҳамда маҳалла фаолларини кенгроқ жалб қилишга аҳамият қаратилди, - дейди институт директори, ЎЗМТДПдан сайланган Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Холмамат Раупов.

Муҳтасар айтганда, бошланғич партия ташкилотларининг ҳудуддаги жамоат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликдаги ишлари партия дастурий мақсад ва вазифаларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, партия сифига ҳар томонлама етук ёшларни кўпроқ жалб қилиш ҳамда кенг жамоатчилик орасида ЎЗМТДП нинг нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўралой ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

● ХРОНИКА

Хунарманд хотин-қизлар

ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ УЛАРНИ ҚўЛЛАБ-қувватламоқда

ХОРАЗМ

Хоразм хунармандчилиги ўзига хос аъёна ва услубларга эгалиги билан ажралиб туради. Айниқса, хотин-қизлар қўл меҳнати маҳсули бўлган ёйма кўрпалар, зар чопонлар, дўпю тухиялар хорижлик сайёҳларнинг ҳам диққатини тортди, уларда миллий маданиятимизнинг бир кўриниши сифатида таассурот қолдирмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Хоразм вилоят Кенгаши томонидан миллий хунармандчиликни ривожлантириш, хунарманд хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига олиб чиқилмоқда.

ЎЗМТДП Янгиариқ туман кенгаши томонидан "Гулбод" кишлоқ фуқаролик йиғинида ўтказилган "Хунарманд хотин-қизлар — ЎЗМТДП эътиборида" мавзусидаги давра суҳбати ҳам айти шу масалага қаратилди. Унда партия Янгиариқ туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти" фаоллари, кишлоқдаги хунарманд хотин-қизлар, фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этди.

— Хунармандлар, халқ усталари, касаначилар, шунингдек, ижодкор зиёлилар партияимиз электорати ҳисобланади, - деди ЎЗМТДП Янгиариқ туман Кенгаши Ўзбекистон раиси ўринбосари, халқ депутатлари Янгиариқ туман Кенгаши депутати Фаррух Юсупов. — Шу боис соҳани ривожлантириш, «устоз-шогирд» аъёнларини тиклаш ва давом эттириш, кадрларимиз давомчиларини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш доимий эътиборимизда. Мазкур давра суҳбатида ҳам миллий хунармандчилик, касаначилик билан шуғулланувчи аёлларга имтиёз ва имкониятлар яратиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда сўз олганлар миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёлларни қўллаб-қувватлаш, уй бекаларини иш билан таъминлаш борасида қилинаётган амалий ишлар ҳақида мулоҳаза юритилди. Миллий кадрларимизнинг бир қисми ҳисобланган халқ хунармандчилигини ўсиб келаётган ёш авлодга ўргатиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, хунарманд хотин-қизларни ЎЗМТДП атрофида бирлаштириш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан «Ёт гоғлар ва оммавий маданиятга қарши курашишда ЎЗМТДПнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти" етакчилари, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Э.Бауетдинов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди: — Ёшлар ўртасида миллий истиқлол гоғсини кенг тарғиб қилиш, уларни маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, ёш авлодда соғлом турмуш тарзи, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш партияимизнинг муҳим вазифаларига сирасига қиради. Бу борада «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган турли ёт гоғларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларда миллий урф-одат, аъёнларимизни эъзозлаш туйғусини шакллантиришга қаратилган тарғиб тадбирлари ташкил этилмоқда. Бу эса ёшлар камолотида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тадбирда Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси З.Султанова, ФЖШМКМИ Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлини масъул катта мутахассиси С.Нажимов сўзга чиқиб, бутунги глобаллашув ва ахборот асрида аҳоли, айниқса, ёшларни ёт гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш долзарб масала эканлиги ҳамда бу каби тадбирларни чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи ёшлар орасида ҳам мунтазам ташкил этиш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши «Ёшлар қаноти» қошидаги «Ёш сиёсий йилликлар» клуби фаол аъзолари ўзларини қизиқтирган саволлар билан маърузачиларга мурожаат этиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари билдиришди.

ҚАШҚАДАР

ЎЗМТДП Муборак туман Кенгаши томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш кафолати" мавзусида мақолалар танлови эълон қилинган эди. Мазкур танлов гоғлибларини аниқлаш, уларни муносиб рағбатлантириш мақсадида "Ёшлар қаноти" томонидан тадбир ташкил этилди. Унда ЎЗМТДП Муборак туман Кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, хотин-қизлар қўмитаси, маънавият ва тарғибот маркази ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими вакиллари, "Муборак ҳаёти" газетаси ижодий ходимлари ҳамда ижодкор ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП Муборак туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ф.Тўраева юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга эътибор қаратди. Бу борада қўшимча дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтди. Йиғилишда эътироф этилганидек, Конституциямиз, бир сўз билан айтганда, ёшларнинг жамият учун етук мутахассис бўлиб етишишлари йўлида сиёсий-ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Танлов доирасида "Конституция - инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитетининг кафолати" мавзусида ёзилган ҳар бир мақола муҳокама қилинди. Танлов ҳайъатига тақдим этилган мақолалар замирида ёшларнинг партия сиёсати ва унинг устувор вазифалари борасида тарғибот ишлари олиб бориш, сиёсий-мафкуравий жараёнларда жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар инсон ва унинг ёрқин келажиги учун амалга оширилаётгани борасидаги фикрлари акс эттирилган.

Қизгин муҳокамалар остида ўтган танлов якунида гоғлиб ва совриндорлар ЎЗМТДП Муборак туман Кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларига эга бўлишди.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

● БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Электорат билан доимий ҳамкорлик

ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига бўлган эътибор самараси ўлароқ, бугунги кунда келажакимиз ворисларининг билим олиши, хунар ўрганиши ва ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар мавжуд. Эътиборлиси, фарзандларимизни миллий қадрият, урф-одат ва аъёнларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни интеллектуал салоҳиятларини юзага чиқариш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган ёшларимизнинг азму-шижоати ва эришяётган муваффақиятлари мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, билим ва салоҳиятли инсонлар бўлиб вояга етишишга кўмаклашиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Бу борада партия ташкилоти ўзаро ҳамкорлик битими имзолаган ташкилот ва муассасалар ҳамда жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари кўмагига таянмоқда.

Айни пайтда партия Навоий шаҳар Кенгаши томонидан 1600 нафар фуқаро ЎЗМТДП аъзолигига қабул қилинган бўлиб, шундан 800 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Худуддаги истеъдодли, зуқко ва изланувчан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш-

га кўмаклашиш партия шаҳар Кенгаши таркибидаги 32 та бошланғич партия ташкилоти фаолиятида устувор аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Навоий шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар марказида ташкил этилган куйи бўғин ҳам партия дастурий мақсад ва вазифаларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, эртанги кунимиз таянчлари бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол, маънан етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзида 20 нафар партия аъзосини бирлаштирган мазкур куйи бўғинга болалар маркази раҳбари Нигора Жумаева етакчилик қилмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги "Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қаро-

ри асосида Навоий шаҳридаги Болалар ижодий уйи "Баркамол авлод" болалар марказига айлантирилди, - дейди куйи бўғин етакчиси Н.Жумаева. Унинг таъкидлашича, марказда "Бадиий ижодий", "Техник ижодкорлик", "Экология-ўлка-шунослик" йўналишлари бўйича жами 25 та тўғарақда 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган 60 нафардан ортиқ ўқувчилар мунтазам машғулотлар олиб боради. Мазкур сай-ҳаракатлар ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, истеъдодли йигит-қизларни аниқлаш, уларга миллий хунармандчилик сир-асрорларини мукаммал ўргатишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

— Ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлашга ҳаракат қиламиз, болаларнинг қайси касбга қизиқсини, оруз-интилишларига қараб уларни мавжуд тўғарақларга жалб этамиз. Машғулотлар қизиқарли, жонли тарзда олиб борилади. Шу боис бўлса керак, марказимиз доимо гажум. Болалар жонлар бу даргоҳда нафақат хунар ва касбга йўналтирилади, балки биз улар билан турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказамиз. Бу эса ўқувчиларда ташкилотчилик, ташаббускорлик, нотиклик, етакчилик кўникмаларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади, - дейди БПТ етакчиси.

Куйи бўғин ташаббуси би-

лан ЎЗМТДП Навоий шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ўтказилаётган кўпгина тадбирларда марказ болаларининг ижод намуналари: каша-чилик, зардўзлик, мунчоқли безак, тўқувчилик маҳсулотлари, шунингдек, ихтирочи ёшлар томонидан лойихалаштирилган турли техника макетларининг кўргазмалари ташкил этилмоқда. Бу эса "Баркамол авлод" марказига янада кўпроқ болаларни жалб қилиш имкониятини яратмоқда.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарли таъкидлаганидек: "Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта ўзининг буюк келажакни яратади". Шу боис мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Навоий Давлат кончилиқ институтида Гавҳар Уринова етакчилигида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотининг ёшларни миллий қадрият, аъёна ва бой маданий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш борасидаги фаолиятини ҳам эътироф этиш жоиз. Куйи бўғин 54 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур БПТ ташаббуси билан ёшлар иштирокида 40 дан ортиқ турли мавзуда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. "Миллий қадриятлар — оила мустаҳкамлиги омили", "Конституциямиз — миллий давлатчилигимиз ҳуқуқий

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Ана шунга асосан 1994, 1999, 2004, 2009 йиллардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлган сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Шунингдек, кўппартиявийлик принципи Олий Мажлис ва барча даражадаги халқ депутатлари кенгашлари фаолиятига жорий этилди. Сиёсий партиялар парламент куйи палатасидаги фракциялари орқали қонунларни ишлаб чиқиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатиш ва шу тариқа давлат бошқарувида муносиб ҳисса кўшиши имкониятига эга бўлди.

Ўтган давр мобайнида «Референдум яқунлари ҳамда

бари Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришни мамлакат тараққиётининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб, жумладан, шундай дедилар: «**Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахсининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш**

Иккинчидан, сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслик белгиланди. Таклиф этилаётган норма сайловчиларга ўз нуктаи назари аниқлаштириб олиш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, ким ва қайси сиёсий партия учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилишга қўшимча вақт бериш мақсадида киритилмоқда. Шунингдек, бу норма овоз бериш арасида турли суиистеъмоллик ва қоидабузарликларнинг юз бериш эҳтимолини бартараф этиш имконини беради.

Учинчидан, сайловолди ташвиқот самарадорлигини ошириш мақсадида 2004 ва 2009 йиллардаги парламент сайлови жараёни тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда ташвиқот олиб боришнинг турлари, шакллари ва усуллари белгиланди. Сайловолди ташвиқоти сиёсий партиянинг дастури ёки сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўз номзодлари учун ва депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни унинг учун овоз беришга даъват этган ҳолда

Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади». Бундан ташқари «овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернетга) жойлаштиришга йўл қўйилмайди». Мазкур норманинг киритилиши сайловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, у ёки бу номзодга нисбатан ноҳоллис, янглиш ва нотўғри муносабатни ҳамда сайловга оид қонун ҳужжатларининг бузилиши эҳтимолининг олдини олади.

Лойиҳада кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатлигига бўладиган сайлов бўйича Анжуманида катнашиш ҳуқуқи берилмоқда. Таклиф этилаётган ҳуқуқий механизм Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатлар сайловининг ошқоралиги ва очиқ-ойдинлигини таъминлаш имкониятини беради. Шунингдек, лойиҳада қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш имконияти

● ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Конституция — демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш кафолати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида «Конституция — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш кафолати» мавзусида видеоконференция ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги мутасаддилари иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги 80 дан ортиқ олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари жойларда туриб тўғридан-тўғри қатнашиш имкониятига эга бўлишди.



нинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши қайд этилган.

— Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Эшмуродов. — Мамлакатимизда 2008 йилдан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди. Қомусимизда қатъий белгилаб қўйилган фуқаронинг яшаш ҳуқуқи мўқаддаслиги таъминланди. Айтиш мумкинки, Конституцияимиз нормалари қатор халқаро стандартларга ҳам тўла жавоб беради. Бугун кенг жамоатчилик Асосий Қонунимизни ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати сифатида билишади. Конституцияимизнинг мактабга тарбия муассасаларидан бошлаб токи олий ўқув юрталаригача ўқитилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Миллий тиклаш» демократик партияси сайловолди Платформасида қонун устуворлигини таъминлашни, ҳар бир шахснинг Конституцияга қонунда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўйбога чиқаришга қўмаклашишни ўзининг энг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шу боис аҳоли, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини, жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик туйғусини, ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш олдинида турган муҳим вазифа саналади.

Давра суҳбатда иштирок этган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олиши ва мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Камолiddин САЙДУЛОВ,
«Millyi tiklanish» мухбири

Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Вакиллик органи

УНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ КОНСТИТУЦИАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»-ги, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»-ги Конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисида»-ги, «Нодавлат ноҳиялар ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)»-ги, «Сайлов тўғрисида»-ги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонунлар қабул қилинди. Айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»-ги Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши, биринчидан, сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтиришга олиб келди, иккинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки таъминланди. Учинчидан, ҳуқуқат тузилмалари, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сиёсий партиялар фракциялари, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришни белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилди, тўртинчидан, парламент куйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасида юзага келган ўзига хос конструктив рақобат муҳитини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш шароити юзага келди.

Бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчиликнинг моделнинг асосини ташкил этади. Сайловлар, бу — мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намойён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир. Президентимиз Концепцияда сайлов тизимини такомиллаштириш, сайловга доир қонунларни янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадида бир қанча қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш таклифини билдирдилар.

Концепциянинг «**Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш**» деб номланган тўртинчи устувор йўналишида белгиланган ташаббус ва гоёларни ҳаётга изчил тадбиқ этиш юзасидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон «Миллий тиклаш» демократик партияси фракциясининг бир гуруҳ аъзолари томонидан 2012 йил 30 июль куни қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисида»-ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси 2012 йил 8 август куни Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилишида қабул қилиниб, 2012 йил 1 ноябрь куни маъқуллаш учун Сенатга юборилди. Бунда қуйидаги ўзгаришлар ўз аксини топган. Аввало, сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва бир хилда тушунилишни таъминлаш мақсадида унга аниқ ва лўнда ҳуқуқий тушунча берилди. Жумладан, «**сайловолди ташвиқоти** — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият» сифатида таърифланади.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларида ҳам фойдаланиши мумкин.

тарқатиш каби турлари воситасида олиб борилади. Телевидение, радио ва даврий босма нашрларда сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари (телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, интернет, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаллари (плакатлар, варақалар ва бошқа материаллар)ни чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларида ҳам фойдаланиши мумкин.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга жўнаб кетиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи бир қарорга келади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдирилади. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссиясининг икки нафар аъзоси имзо қўяди. Улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Сайлов варақасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек, сайлов варақаларини сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари

назарда тутилмоқда. Ушбу норманинг жорий этилиши қамоқда сақлаш жойларида бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда кенг имконият пайдо қилади.

Партияимизнинг сайловолди Платформасида «миллий тиклаш демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ахралмас қисми» эканлиги алоҳида қайд қилинган. Табиийки, демократик ҳуқуқий давлат ҳам, очик фуқаролик жамияти ҳам бевосита сайлов ва сайлов ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга бўлган муносабатининг яққол ифодаси ҳисобланади.

Президентимиз Ислам Каримов Концепцияда таъкидлаганидек: «Юқорида баён этилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлигининг ҳуқуқий принципларини тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимини янада демократлашувига хизмат қилади». Ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг манткий давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич, тадрижий ривожлантиришнинг натижаси сифатида фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Кези келганда шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқаро андозаларга жавоб берадиган, сиёсий партияларнинг кенг қўламли фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди ва бу қонунлар уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи, мавқеи ва ваколатларини янада кенгайтирди.

Ахтам ТУРСУНОВ,
Арслон ЭШМУРОДОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзолари

● ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Миллий ғурур ифодаси

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИНИ УЛУҒЛАШ ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН САНАЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси Миллий расмлик ва дизайн институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи қабул қилинган санага бағишлаб «Миллий байроғимиз — халқимиз ғурури» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жумладан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари, таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёш авлод қалбига давлатимиз раъзларига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғуси, дахлдорлик ҳисси тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлаб, фарзандларимиз бу раъзларда ўз ҳаётини ва эртанги кунга бўлган ишончини кўраётганлигини таъкидлашди.

Давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун 2010-йилнинг 25 декабрида қабул қилинган эди. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»-ги қонуннинг 5-моддасида давлат байроғини бинолар, мажлис заллари, хизмат хоналари, жамоат жойлари ва бир қанча ҳолатларда мажбурий кўтаришни тўғридан тўғри ва батафсил тартибга солишга қаратилган ўзгар-

тиш ва қўшимчалар киритилган. Давлат байроғининг доимий равишда кўтарилиши ҳолатлари ҳам қонунда аниқ акс эттирилган.

Давра суҳбатда сўз олган депутатлар мазкур қонун ва унга киритилган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратдилар. Эътироф этишганидек, мазкур қонун давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги билан аҳамиятлидир.

Давра суҳбатда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзолари давлат рамзларига оид қонуности ҳужжатларини янада такомиллаштириш, ёш авлоднинг Давлат рамзларига нисбатан ҳурмат, фахр, муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида ташвиқот-тарғибот ишларини янада кучайтириш лозимлигини эътироф этишди. Жумладан, ЎзМТДПнинг мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда партия ташкилотлари фуқаролар, айниқса, ёшлар ўрта-маҳсус таълим муассалари ва миллий фахрлини туйғусини кучайтириш, Ватанга, давлат рамзларига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром ҳисларини шакллантириш йўлида амалий ишлар қўламини янада кенгайтиришлари лозим. Зеро, ёшлар ватанимизнинг буюк келажagini яратувчи асосий кучдир. Уларни миллий руҳда тарбиялаш барчамиздан улкан масъулиятни талаб этади.

Муҳтарам РАМАЗОНОВА,
«Millyi tiklanish» мухбири

МАЪНАВИЯТ

Хунармандлар оиласи

Мамлакатимизда миллий хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик ривожини унун яратилаётган имкониятлар, қулай ишбилармонлик муҳити туфайли мазкур соҳа вакиллари сафи тобора кенгаймоқда.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида ҳам хусусий тадбиркорликни йўлга қўйган оилалар кўп. «Дўстлик» маҳалласида яшовчи уста Абдумажид Жумаев оила аъзолари билан сандиқ, бешик, замонавий ва миллий дизайн услублари уйғунлашган уй жиҳозлари ясади. Тайёрланаётган миллий хунармандчилик маҳсулотлари пишиқ, бежирим ишланганлиги боис харидорлар.

А.Жумаевлар оиласи хунармандлари ясаган миллий хунармандчилик намуналари кўплаб нуфузли тапловларда эътироф этилган.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (УзА) олган сурат.



ТАДҚИКОТ

Фарзандлар камолотида

ОНАЛАРНИНГ ЎРНИ БЕКИЁС

Юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ оила, оналик ва болалик манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилиш, оиланинг ижтимоий, психологик ва маънавий ахлоқий асосларини такомиллаштириш, оилада маънан етук, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш борасида кенг қамровли чоратадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Президентимиз ташаббуслари билан 2012 йилнинг «Мустақкам оила йили» деб эълон қилиниши фарзандларимизни ҳар томонлама етук, жисмонан ва маънан баркамол, салоҳиятли инсонлар қилиб тарбиялашда асосий негиз ҳисобланган оилага, инсон омилига бўлган эътиборнинг кучлилигидан далолатдор.

Оила — тарбия маскани. Шахснинг келажаги шу масканда олган тарбияси, тарбиячи ҳисобланмиш ота-онанинг фарзанди олдидаги бурч ва вазифаларга қандай муносабатда эканлигига ҳам боғлиқ. Оиладаги ҳар бир киши ўз бурч ва вазифаларига масъулият билан ёндашиши эса оила соғломлиги, мустақкамлиги ва жамият фаровонлигига эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Фарзандларнинг камол топишида онанинг ўрни бекиёсдир. Биологик нуқтаи назардан олиб қаралганда, оналик — аёл организмининг асосий физиологик функцияси бўлиб, инсоният наслини давом эттиришига йўналтирилган. Бироқ, ҳомиладорлик, бола туғилишидан тортганда, уни вояга етказиш, яхши тарбия бериш кўпроқ оналарнинг масъулияти вазифалари ҳисобланади.

Қайси бир даврни олиб қарамайлик, фарзанд тарбиясида онанинг роли катта бўлган. Шу боис унга ажратилган функциялар ўзининг етакчилиги ва онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмаслиги ҳақидаги тушунча ва тасавурлар халқимизга бегона эмас. Шунданми, ўзбек оилаларида фарзандларнинг соғлом ривожланиши ва тарбиясида оналарга катта масъулият юклайди. Бу борада фарзандларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ўғил-қизларнинг балоғат даври қай даражада ўтаётганидан хабардор бўлиши лозим. Айниқса, қизларда физиологик ўзгаришлар даври нормал, соғлом ўтишида оналарнинг тўғри маслаҳати муҳим аҳамиятга эга.

Қизларнинг ички гигиена - келинлик ва оналик, умуман, оилавий ҳаёт тўғрисидаги тасавурларини билиш мақсадида олий ўқув юрларида тах-

сил олаётган талабалар ўртасида махсус сўровнома ва методикалар асосида тадқиқот ўтказилди. Қизларимизга «Онанинг Сиз билан «балоғат даври» ва «қизлар гигиенаси» ҳақида қачон суҳбатлар ўтказган?» деган савол билан мувожаат этилганда 55 фоиздан кўпроқ қизлар: оналари ҳар доим бу мавзуда суҳбатлар олиб борганларини, 23 фоизга яқин қизларда оналари 14-16 ёшлигида суҳбатлар ўтказганини, 12 фоизга яқин қизлар эса оналари 9-10 ёшлигида суҳбатлар ўтказганини билдиришган бўлса, 9 фоиз қизлар оналари билан бу мавзуда умуман суҳбатлашмагани, бунга оналарнинг вақтлари йўқлигини рўқач қилишган.

Худди шундай қизларнинг оналарига ҳам «Қизларнингиз билан «балоғат даври» ва «қизлар гигиенаси» ҳақида қачон суҳбатлашгансиз?» деган савол билан мувожаат қилганимизда 48,4 фоиз оналар «Ҳар доим бу мавзуларда суҳбатлар олиб бораман», 29 фоиз оналар «14-16 ёшлигида суҳбатлар ўтказганман», 16,1 фоиз оналар эса «9-10 ёшлигида суҳбатлар ўтказганман», деган жавобларни беришди. 9,7 фоиз оналар «Бу мавзуда умуман суҳбатлашмаганим» ва яна 6,4 фоиз «Ўтказмоқчи бўлсаман лекин нуқулай» деган жавобларни беришган.

Шуни унутмаслик керакики, фарзандларга ёшлигидан билим олиши, яхши ҳаётни таъминлаган ота-она унга тўғри тарбия бера олиши

ҳам керак. Қолаверса, фарзанднинг энг яқин сирдоши кўчадаги бегоналар эмас, энг аввало ота-она бўлмоғи лозим. Қобуснома ва пандномаларда ҳар бир ота-она қизининг келажакда бахтиёр бўлишини истаса, уларга ёшлиқдан тарбия бериши, қиз юрагини илмуърифат нури билан ёритишлари зарурлиги қайд этилган.

Янги оиланинг мустақкам ва соғлом шаклланиши оила муҳитига, оналарнинг юриш-туриши ва тарбиянинг қандайлигига ҳам боғлиқ. Яна тадқиқотда катнашган қизларга қайтсак. Уларга берилган навбатдаги: «Қизлар оилавий ҳаётга тайёрлаш илмини қаерда олиши керак, деб уйлайсиз?» деган саволга 90 фоиздан ортиғи «Оилада», 14 фоизга яқини «Махсус курслар бўлиши керак», 6 фоизга яқини «Мақтабда, лицей, коллежда ва оила қуришдан олдин ФХДЁ қошида» деган жавобларни беришди. Ёшлар оилавий ҳаётга тайёргарлик илмини оилада олиш баробарида қўшимча ўқув курслар, дастур ва қўлланмалардан фойдаланиш зарурати борлигини эътироф этишган.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан шунга айтиш мумкинки, келажакда қизларни соғлом она бўлиши, мустақкам оила қуришини истаган ота-она биринчи гада оилада соғлом муҳитни таъминлаши, соғлом турмуш тарзини ўрнатиши ва фарзандларига намуна бўла олишлари керак. Ёшларни никоҳга, оилавий ҳаётга тайёрлаш, энг аввало, ота-онанинг бурчи экан, бунинг ортида халқ, юрт тақдирини мужассам эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Раҳима ТўРАҚУЛОВА, Республика «Оила» илмий-амалий маркази мутахассиси

Куй-қўшиқ халқнинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи, кўнгли олами, қадриятлари, дунёқараши ва анъаналарининг етакчи омили ҳисобланади. Айниқса, ёшларимизнинг руҳий эстетикаси ва дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда санъат ва маданиятга бўлган эътибор, уни ривожлантириш йўлида кенг қўлланли ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий кўшиқчилик маданияти

УНИ ЁТ ТАЪСИР ВА ТАҲДИДЛАРДАН АСРАЙЛИК

Истеъдод соҳиблари доимо халқ эътиборида, юртимиз ва хориж сахналаридан туриб ўз санъатларини намойиш этишмоқда. Соҳага доир вазифаларни бажариш, миллий кўшиқчилик, санъат соҳасини ислоҳ этиш, иқтидорли ёшларни рўёбга чиқариш мақсадида ҳукуратимиз томонидан кўплаб қарорлар қабул қилиниб, жойларда унинг ижроси таъминланмоқда. Бу борада «Ягонасан Муқаддас Ватан», «Нихол», «Марду майдон» ва бошқа кўплаб кўрик-танловлар ўтказилмоқда, бу ўз навбатида ижодкор ёшларни кашф этиш билан бирга уларни қўллаб-қувватлаш, неча асрлардан буён давом этаётган азалий қадриятларни давом эттириш, куй-қўшиқ ижрочилигини янада яхшилашга хизмат қилаётир. Бир сўз билан айтганда, иқтидорли ёшлар миллий эстрада санъатимизга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Бу ютуқлардан фохрлансак арзийди. Бироқ, халқимизга тақдим этилаётган куй-қўшиқларнинг барчасини ҳам бениқсон деб бўлмайдим. Хусусан, ижро маҳорати, шеърлар мазмуни, умуман, миллий кўшиқчиликка қўйиладиган талабларга қай даражада жавоб бериши муҳим масалалардан бирига айланган. Биз бу борада мутахассисларнинг фикрлари билан ўртоқлашдик.

Оллоёр БОБОНОВ, Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси:

— Мафқуравий таҳдидлар бугун бутун инсониятга, миллий маънавиятга катта қутқу солмоқда. Бу борада, айниқса, кинофильмлар ва кўшиқлардан унумли фойдаланилмоқда. Яшириб нима қиламиз, айрим кўшиқчилар ёшларимиз маънавияти ва ахлоқига яширин реклама каби салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим шоу-бизнес вакиллари ўзлари билмаган ҳолда беҳаёликни тарғиб қилишпти. Бунинг оқибатида ёшларимиз онгига миллийлигимизга мутлақо ёт бўлган «оммавий маданият»ни сингдирмоқдалар. Бундан ташқари, турли тиллардан у ёки бу сўзни олиб, ўзбек тилидаги кўшиқларга зўрма-зўраки тикиштириш оқибатида тилимиз софлигига путур етмоқда. Шунингдек, шева ва сўзлашув услубига хос, кўпроқ кўча тилини эслатадиган сўзларни қўшиб билан кўшиқ матни савғалаштирилмоқда. Сўнгги пайтларда, ҳатто, қофиясиз, тутуқсиз, маъно-мантисиз фикр ёки матнлар ҳам кўшиққа айланиб, омма эътиборига «тақдим» этилмоқда.

Оғзига келганини демоқ...

Миллий қадриятларимиз, ўзбекона удувлар, урф-одатларимиз умрбоқийлигини сири уларнинг умуминсоний эканлигидан. Масалан, совчилик удуми барча халқларда у ёки бу кўринишда мавжуд. Хулкар Абдуллаева («Ога қақирқа») эса учун бу одат «эскилик сарқити». Хонандамизнинг фикрича, асосийси икки кўнгил бир бўлса бўлди... йўл очик:

Ховуз бўйида челақ,
Ёрга етишмақ тилақ,
Икки кўнгил бир бўлса,
Совчи деган на керақ?
Манзура («Нимага?») ҳам қизлар шаънига ярашмайдиган гапларни кўшиқ қилишга ҳеч тортинмайди:

Ҳаммадан зўр,
бошқачасан, жонгинам.

Тамом қилдинг юрагимни
Мен сени, жоним сени,
Севгинг хоҳлайман-ку, сени,
Қанчалар азоб берарсан,
Куйдурдинг-ку мени.

Хонанда ўз эътиросларини жиловлай олмайдиғанларнинг дарду хасратини оламга ёйиш билан нима демоқчи ва нимага эришмоқчи? Қуюшқондан чиққан бунақа кўшиқлар билан ёш қизларимизни факат оғушлаш мумкин. Хонандаларимиз орасида оддийгина ўзбекча саломлашгани ҳам билмайдиганларнинг борлиги ачинарли:

Кўчада ҳамма салом алай,
Мани эса бир ўзим бегонадай.
Эй болақай, қани салом алай?
Иш, ҳаракатинг, баракатинг қалай?
(Шоҳрух ва Сарвар: «Салом»)

«Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси»да «Ассалом алайкум» - юртлари, миллатларидан қатъий назар, дунёдаги барча мусулмонларнинг саломлашиш ибораси ҳисобланади. Сиз қайси мусулмон мамлакатига борманг, у миллат тилини билмасангиз ҳам «Ассалом-алайкум» десангиз сизга очик ўз билан «ва алайкум ассалом!» деб жавоб беришадим.

Асл илдизи қадимги Африка халқларининг овга чиқиб маросимига бориб тақалладиган эстрадаларнинг рэп йўналишида ижод қилаётган ёш хонанда Шоҳрухнинг «Баландда» ашуласидаги «ҳаёт ачинад» жумласини тинглаганларнинг кўз олдига нималар келиши мумкин? Умуман, «Квартет», «Зеро» гуруҳларида ҳам шундай нуқсонлар бор. Аслида гуруҳларнинг номланиши катта бир мақолага мавзу бўла олади. Шу ўринда филология фан-

лари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов: «Ўзимиз ва сўзимиз» мақолада таъкидлаганидек: «Ўзлари куй басталаб, ўзлари кўшиқ айтаётган кўшиқчиларда лисоний ва бадий нуқсисликлар кўп учрайди. Хонанданинг бастакорнинг кўшиқ матнига бефарқлиги мақбул эмас. Алишер Навоий бежиз айтмаган: «Оғзига келганини демоқ нодоннинг иши, олдида қўяганини емоқ ҳайвоннинг иши». Бизнинг бенихоя бой, «олдида ўтганда бугунги Оврупа адабиёти ҳам шалқасини олиб салом бериб ўтадиган» (Фитрат) адабиётимиз бор, бу адабиётнинг маҳоратли давомчилари яратган бугунги баркамол шеърятимиз бор. Улар билан яқиндан танишиб, ўқиб-ўрганиб, саралаб, ҳар қанча кўшиқлар яратиш мумкин»

Клипдаги тарғибот нима?

Инсонга нисбатан азиз ва муқаррам, деган юксак сифат берилган. Бошимизга ҳар қанча қулфат тушмасин, уни мардонвор енгиб ўтишимиз шарт. Яшаш учун кураш ҳаётнинг қонунияти. Иродасизнинг қийинчиликларга дош беролмасдан ўзининг жонига қасд қилиши миллий, умуминсоний ва диний қадриятларимизга мутлақо зид ҳодиса ҳисобланади.

Бир хонанданинг «Кўз ёшим» қўшиғи клипда кўз севган ёрининг автохалокат натижасида вафот этганига чидаёлмай ўзини жарликка ташлагани акс этган. Бу билан клип ижодкорлари шунақа ҳолатга тушиб қолган қизларга ўзининг ўлдир демоқчимиз? Ўша хонанданинг «Йўқ энди» номли клипининг бошланғичида йигит қизга хайр-манзур айтиди, ёқтирган кишисига аччиқ қўлдан қиз, дискотекага бориб ўзини чалғитиш-ю катта кўчада бошқа йигит билан дўстлашгани кўрсатилган. Бундан ёш мухлислар нима олади? Еки ўсиб келаётган ёшларга муҳаббат туйғуси шундай тарзда талқин этиладими?...

Ашула — шоир, мусиқачи ва хонанданин ижод маҳсули. Ҳар қандай сўзлар беришмаси гап бўлиши мумкин, лекин шеър бўлолмайди. Шунингдек, ҳамма шеър ҳам кўшиқ бўлавермайди. Сўз, шеър, мусиқа ва хонанданин хониши мукамал бўлса, бир-бирига мос тушсагина кўшиқ таъсирчан чиқадим. Бундай оддий сўзларнинг кўшиқ бўлиб кетишида айрим шоирларимизнинг ҳам айби йўқ эмас: Уларнинг ҳаммасини ҳам мусиқа илмидан хабардор, деб бўлмайди. Алишер Навоийнинг фикрича: «Мусиқадан хабарсизлик шоир учун зўр нуқсон»

Биз маънавияти юксак халқимиз. Бирон-бир тадбир ёки маросим кўшиқсиз ўтмайди. Санъатни биздек қадрлайдиган, бизчилик тераи ҳис қиладиган миллат дунёда кам. Ҳар бир воҳа, ҳар бир худудимизнинг кўшиқчилик санъатида ўзига хос йўли бор. Биз барча улуғланидиган нарсаларни бошимизга кўтарамиз. Бунга маънавий тарғиботчилари - хонандаларимиз асло эсдан чиқармасликлар керак.

Гулҳебра ҚОСИМОВА, психолог:

— Мусиқа инсонда ўзига нисбатан муайян кўнмиқа ҳосил қилади. Шунинг учун кўшиқнинг савияси нақадар паст бўлмасин, бир кунда беш мартадан тингланса, ҳар қандай савиясга паст кўшиққа ҳам одам кўникиб, ҳатто эшитмасга туролмайдиган бўлиб қолади. Бугунги шоу-бизнес вакиллари бундай-ин психологик қуролдан жуда уздабуронлик билан фойдаланишмоқда. Аудиторияси асосан ёшлардан иборат бўлган хусусий радио ва телеканаллар эса маънавият мезонларига мос бўлмаган кўшиқларни соатига икки-уч марта лаб айлантиришмоқда. Демак, бундай кўшиқларни ёшлар, айниқса, ўсмир ёшларидан беш марта эмас, ундан ҳам кўп эшитиб, клипларига маҳлиё бўлиб томоша қилишмоқда.

Юртимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ, миллий-маданий анъаналарни авлоддан-авлодга мерос қолдириш, авлодлар ўртасидаги маънавий алоқаларни таъминлаш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш амалиёти ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Жорий йилнинг «Мустақкам оила йили» деб номланганда ҳам ёшларга бўлган гамхўрлик ўз ифодасини топган. Инчунун, ҳар қандай жамиятнинг истиқболи, тақдирини тарғиботи ёш авлоднинг қандай тарбия қўрганга қараб белгиланади.

Бугунги мурақаб глобаллашув шароитида миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт қарашлар ва хурурлар ортида ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган гаразлинтитишлар бор. Бу борада, барчамиз оғоҳ бўлишимиз, оиладаги таълим-тарбияга эътиборини қўйиштириш, ёшларни ўзига оҳанграбодек жалб этаётган эстрада санъатини ёт таъсирлардан асрашимиз, бунга айниқса, эстрадалаги хонандалари-ю шоу бизнес вакиллари, санъат ва маданият ходимлари бепарво бўлмасликлари зарур.

Дилфуза РЎЗИЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Ойқор — Туркистон тизма тоғларининг энг юксак чўққисидир. Яқинда ёққан қордан у ялтираб кўрина бошлади. Бахмалликлар «шу чўққидан қор кетса, дастурхондан нон кетаси», деб қўйишди. Бунда тераи магно бор, унинг бағридан отилиб чиқадиган чамалар ёшларни сугоради. Сағзор дарёсининг сувини жўштиради. Баланд бўлгани учун саратонда ҳам қори эрмайди, фақат узокдан қараганда чўққидида ойга ўхшаб кўринади. Шунинг учун ҳам унинг номи Ойқор...

Бу тоғнинг дараларида жуда кўп қишлоқлар бор. Этакларида эса катта аҳоли яшайдиган худудлар. Новқа қишлоғига борганда мана шу кенгликларнинг тарихи билан қизиқадиган, ўтмишга оид бирорта осори-атика топса мактабга, ё бўлмаса ўлкашунослик музейига элтиб топширадиган тарих жонкуяри Абдузўр Бо-беков билан танишиб қолдик. Тумандаги 8-ўрта таълим мактабида директорнинг маънавий-маърифат ишлари бўйича ўринбосари бўлган мутахассис Низомий номидаги Тошкент давлат университетининг та-

МИЛЛИЙ МЕРОС

Тарихий ёдгорликлар

ВАТАН ВА МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

рих-география факультетини тугалаб, ёшларга билим бермоқда. Ҳар қадами тарих, гишти олтин ўлкамизнинг ўтмишига ўқувчиларда муҳаббат уйғотишмоқда.

— Бир пайтлар қишлоғимизнинг юқори қисмида кўрғонлар бўлиб, у ерда одамлар яшаган. Археологлар келиб қазиси ишлари олиб боришганларида бўйи 90 сантиметрлар чамасидаги тош курсиларни топишган. Пишиқ гишт синиқлари, тарози уларни хайратга солган. Утган асрнинг охирида олиб борилган қидирув ишларида кўзалар топилди. Четлари гишт билан қопланган ҳандак, 12 донна тарихий тангача ўсмак ўлкашунослик музейида сақланмоқда. Туман гишт заводи жамоаси ердан тупроқ қазиб олаётган пайтда кориз кудуқларида дўч келишган...

Абдузўр ҳақ гапларни айтапти. ЎзРФА Археология институти Жиззах экспедицияси раҳбари, тарихчи олим Мухтор Пардаевнинг айтишича, Новқа-Ўсмак йўлининг карьер қисмида тарихий Кориз кудуқлари намуналари топилди. Гишт заводи ишчилари экскаватор билан ерчи қазисаётганларида сопол парчаси, кул қатлами, кориз кудуғига оид намуналарга дуч келишди. Мутахассислар-

нинг айтишича, кориз кудуғидан сув тақчиллигини бартараф этиш, сугориш ишларида фойдаланишган. Дастлабки маълумотлар бу қадимий иншоот V-VII асрларда барпо этилганидан далолат бермоқда.

Бахмал тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Қаҳрамон Бектемиров. — Мустақиллигимиз туфайли улар қайта таъмирланди. Ҳозир улар энг гавжум қадамжоларга айланган. Сафолуқул Олимов, Ҳамза Аширқулов сингари фахрийларимиз обидаларини таъмирлашга бош-қош бўлишмоқда. Туманимиздаги хусусий тадбиркорлар тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштиришда беминнат хизмат қилишаётгани таҳсинга лойиқдир.

Тумандаги ўқув даргоҳларида маънавий-маърифий бурчаклар ташкил этилган. Вилоят ўлкашунослик музейининг туман филиалидан ўрин олган халқимиз томонидан яратилган осори-атиқаларни кўриб кўнглингиз равшан топади. Чунки тарихимиз, ватанимиз ва миллатимизга нисбатан бўлган меҳру муҳаббат фахр-ифтихор ва гурур ана шундай шароит ва жойларда шаклланади, чуқур илдиз отади.

Пардабой ТОЖИБОВ

ЖАРАЁН

● ТАЪЛИМ

Фидойи ва жонқуяр ўқитувчилар жамоасининг самарали меҳнати туфайли ўқув даргоҳида ҳозирги кун талабларига мос, кундалик эҳтиёжimizга асқотадиган касб эгалари тайёрланади.



(У.А) оғзан сурат.

Билимга чанқоқ ёшлар

БОҒИШАМОЛ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА КАМОЛГА ЕТМОҚДА

Коллеж ўқувчилари тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник-технологик, компьютер ва компьютер тизимларини сошлаш ва таъмирлаш техникни, металлларга ишлов бериш механиги, бухгалтер, электр жиҳозлари ва тармоқларини монтаж қилиш ва хизмат кўрсатиш бўйича техник-электрик, транспортларда таъмирлаш ва бошқаришни ташкил этиш (автомобиль транспорти) техникни, автомобилларга ТХК бўйича техник-механик, пайвандлаш ишлари (механик) техникни, кимёвий ишлаб чиқариш техник-технологии каби тўққизта йўналиш бўйича тахсил олмақда. Уларга 50 нафар малакали педагог ва 13 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси давлат ва таълим стандартлари асосида касб-ҳунар сирларини ўргатапти. Коллежда 3 та ўқув лабораторияси, 20 та ўқув хонаси мавжуд. Тикувчилик, электр пайвандлаш, металлларга ишлов бериш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonалари зарурий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Қолаверса, коллеж ўқувчилари олган билимларини амалда қўллаб, касбий малака оширишлари учун кенг имкониятларга эга. Компьютер, чет тили, лингафон хоналари жаҳон андозаларига мос тарзда жиҳозланган. Коллежда ўқувчиларнинг деярли барча спорт турлари билан шуғулланишлари учун

шарт-шароитлар мавжуд. Заонавий спорт зали, футбол, кўл тўпи, волейбол майдонлари ўқувчилар ихтиёрида. Коллежда эрталабки сафланмаларни ўтказиш муайян мавзу ва йўналиш асосида олиб борилади. "Мустаҳкам оила йили" Давлат ўқувчилари асосида ўқувчиларнинг бўш вақтларини янада мазмунли ўтказиш, оила ва коллеж ҳамкорлигини йўлга қўйиш, оилавий спорт мусобақаларини уюштириш, оммавий спортга жалб этиш орқали ўқувчилар саломамлигини мустаҳкамлаш ишлари ижобий натижалар бер-

моқда. Коллеж ўқувчилари вилоят миқёсидаги беллашуларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаётгани кишини қувонтиради. Вилоят футбол федерацияси ташаббуси билан ўтказилган 2012 йилги мини-футбол бўйича аёллар чемпионатида коллеж жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади, "Баркамол авлод-2012" спорт мусобақаларининг стол теннис бўйича 2-ўринни қўлга киритди. Коллежда спорт мусобақаларидан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар ҳам тез-тез ўтказилади.

борадаги ютуқлари ҳам мақтовга арзигулик. "Касб маҳорати" танловининг "Металларга ишлов бериш" йўналиши бўйича Республика босқичида коллеж ўқувчиси Беккул Одинаев 2-ўринни, "Пайванд конструкциялар ишлаб чиқариш" йўналиши бўйича Файзулла Самадов 3-ўринни эгаллашди. "Конституция — бахтимиз қомуни" кўрик танловида эса коллежimiz ўқувчилари фахрли 3-ўринга лойиқ кўрилди.

Коллеж Самарқанд давлат университети, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ва Қишлоқ ҳўжалик институти билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Коллежда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтининг "Био иншоотлари архитектура-раси ва реконструкцияси" кафедраси филиали фаолият кўрсатмоқда.

Коллежда битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласида ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, "Самарқанд-кимё" ОАЖ, "Лифт" ОАЖ, "Сино" ОАЖ, "8-март" ОАЖ, "СамАвто" заводи, бир қанча корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик натижасида ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётларини бевосита корхона ва ташкилотларда ўтаб, коллежни тугатгандан сўнг ўша корхоналарда иш билан таъминланмоқда. Коллеж ёшларининг интилишлари орзу-хавасларини қўришининг ўзи бир бахт. Зеро, юртимизда яратилаётган бу каби кенг имкониятлар эртан кун эгаларини баркамол қилиб тарбиялаш йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

Ирода ОРИФЖОНОВА, Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milly tiklanish" мухбири

● ТАДБИР

Зомин туманида туризм имкониятлари

Жиззах воҳаси Буюк Ипак йўлида жойлашган. Бой табиий ресурслари ва бетакрор табиатга эга вилоят ҳудудининг бундай хилма-хил табиий ландшафти, рельефи, иқлимнинг экзотик беқиёслиги ҳамisha сайёҳлар эътиборини торттиб келган. Зомин ва Бахмал ҳудудлари астаниб ётган тоғ ва ўрмон кенгликларидан бизкологик туризмни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари мавжуд. Айниқса, Зомин воҳасидаги Халқ боғи ва қўриқхона асл ҳолда сақланиб қолинганлиги билан аҳамиятлидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури Ўзбекистондаги сайёҳлик компаниялари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари Зоминда туризмнинг ҳар хил йўналишларини шакллантириш имкониятлари билан таништирди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кўмагида ташкил этилган ушбу инфотур туроператорлар ва кенг жамоатчиликни вилоятларда маҳаллий туризмни қўллаб-қувватлаш учун яратилган замонавий шарт-шароитлар ҳақида хабардор этишга эътибор қаратганлиги диққатга молик воқеа бўлди. Боиси, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги пайтлар-

да туризм, айниқса, фаол туризм, иқтисодийнинг энг фойдали соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳаси асосан мамлакатнинг кўна ва навқирон шаҳарларини зиёрат қилиш, уларнинг тарихий ва маданий бойликларини яқиндан ўрганишга қаратилган. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг гўзал географик ландшафти, ноёб иқлим ва табиий шароитлари, бой қишлоқ ҳўжалиги ҳамдан ранг-баранг урф-одатлари ва маданияти ушбу заминда фаол туризмни ривожлантириш учун асос бўла олади. Жиззах вилоятининг Зомин тумани мамлакатимизнинг сайёҳлик имкони-

ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

ятлари етарли даражада баҳоланмаган ҳудудлардан бири саналади. Муравжор тоғлар, гўзал табиат, сусафҳо ҳаво ва бошқа табиий бойликларнинг мавжудлиги бу ерда спорт, экологик, маданий ва соғлиқни мустаҳкамлашга қаратилган сайёҳлик йўналишларини ривожлантириш имконини беради. Зоминнинг сайёҳлик ва инвестицион салоҳиятини янада ошириш мақсадида, БМТТД "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: Фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик" лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорликда Жиззах вилоят ҳокимлиги кўмагида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, мазкур лойиҳа томонидан Ўзбекистонда биринчи марта Зомин брэнди ва маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилди, оригинал логотип ва уч тилдаги широни яратилди. Замонавий меҳмонхоналарни жорий этишда молиявий ва консалтинг кўмак берилиб, сайёҳларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича меҳмонхона эгаларининг ма-

монидан амалга оширилган ишлар, туристик зонада мавжуд санаторий ва курортларнинг имкониятлари, маданий мерос объектлари билан танишди. "Гранд Заамин" кичик меҳмонхонаси, шунингдек, бир қатор меҳмонхоналарда яратилган қулайликларни кўздан кечирди. "Пешоғор" ғори, табиий шаршара, "Шербулоқ" бўлоғи, қадимий ёнғоқ даррахи каби археологик ва табиатга оид ёдгорликларни зиёрат қилиш маршрути ташкил қилинди. Бундан ташқари, тадбир доирасида туроператорлар ва Зомин тумани мутасадди вакиллари иштирокида очик мулоқот ўтказилди. Мулоқотда Зомин туристик зонаси, шу жумладан, "Зомин" санаторийси салоҳиятини ошириш истиқболлари муҳокама қилиниб, ҳудудда туризмнинг самарали ривожини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш бўйича конструктив тавсия ва таклифлар билдирилди. Инфотур қатнашчилари, шунингдек, туманининг янги имкониятларини сайёҳлар эътиборига ҳавола қилиш, туристик ва инвестицион салоҳиятини кенг тарғиб этиш ҳамда бу ерга йил бўйи таширф бурурвчи сайёҳлар сонини янада оширишга доир ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олишди.

Дилноза ҲАЙИТОВА, "Milly tiklanish" мухбири

● ОГОҲЛИК

Диққат, "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"!

Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бир мунча ортиб боради. Бу эса ёнғин чиқиб хавфини кескин ортишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрь кунги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрга қадар республикамиз миқёсида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади.

Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳола келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик, ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Шундай экан, ушбу тадбирда барча ҳамюртларимизни фаол иштирок этишга чақирамиз. Ҳеч бўлмаса, оддий ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилинг. Шунда сиз нафақат ойликнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этётган барча юрtdошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ 2012 йил 27 декабрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очик аукцион савдоларини ўтказиши

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 107-уйда жойлашган «Ўзэкспомарказ» ОАЖ МКК балансидаги 1997 й. и/ч, д/р 01/430FBA, бошланғич нархи 5 003 924 сўм бўлган «Тико» русумли; Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 107-«Б» уйда жойлашган «Халқаро ҳамкорлик маркази» ОАЖ балансидаги 2000 й. и/ч, д/р 01/020UAA, бошланғич нархи 20 546 606 сўм бўлган «ДЭУ МАҒНУС» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабдорлардан буюртномаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдордаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотиди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru <mailto:TUAS_MCHJ@mail.ru>

Президентимизнинг "Ўқасак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидлаганидек: "Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажagini ўйлайдиган халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас".

Фуқаролик жамиятининг шаклланишида

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Ушбу мақсад йўлида фуқаролик жамиятида давлат ва фуқаролик институтларининг демократлашуви, миллий менталитет, ижтимоий-сиёсий тизимнинг барқарорлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг кўзгуси бўлиб, оммавий ахборот воситалари демократик институт сифатида шаклланиб бориши заруратидир. Айниқса, мамлакатимизда журналистикага оид қонунларнинг ижтимоий ҳаётга дахлдорлигини, инсон ҳуқуқларини белгиловчи ҳолатларнинг ОАВ, хусусан, матбуотда ёритилишини таҳлил этиш, бу жараёнларни объектив кузатиб бориш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий тизимнинг янгилинишида фуқаролик жамиятини барпо этишни чуқурроқ таҳлил этишда ОАВнинг ролини ҳам назарда тутиш, ҳам амалий ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (ФЖШМҚМИ)да "Ахборот соҳасида ислохотлар амалга оширилиши доирасида миллий босма ОАВ ривожланиши тенденциялари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, ФЖШМҚМИ ходимлари, ОАВ соҳасидаги етакчи экспертлар, марказий ва ҳудудий нашрлар ходимлари, журналистлар ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир миллий босма ОАВнинг кучли фуқаролик жамияти қуришдаги ролини кучайтириш, шунингдек, ахборот ва сўз эркинлигининг таъминлиниши, ахборот соҳасидаги ислохотларни амалга оширилиши доирасида уларнинг тенденцияларини кўриб чиқиш ва ривожланиш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилди.

Матбуотнинг кучли фуқаролик жамияти қурилиши, мамлакатнинг янгилиниши ва модернизация қилиниши жараёнлари, ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсиши, иқтисодий тарғиб рақибига тўққинлик қилаётган муаммоларнинг ҳал қилиниши, ички ва ташқи сийбаст юриштига қўшаётган ҳиссасини тани олиш, ушбу ижобий жараёнларда ОАВнинг аҳамияти ва роли ортиб бораётганлигини айтиш мумкин.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори Абду-жалол Тўраев ўз маърузасида қуйидагиларни таъкидлади:

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси да ННТ фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган эди. 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда фаолият юритаётган давлатга қарашли бўлган ОАВ сони 515 та, яъни 41 фоиз ва давлатга қарашли бўлмаган ОАВ 739 та — 59 фоизни, жами 1254 тани ташкил этади. Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш йўналишида ажратилган грант маблағлари 2008 йилда 379,4 млн., 2012 йилда 486 млн. сўмини ташкил этади.

Жумладан, "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов 2009 йилдан бошлаб Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат Наҳжкорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобига молиялаштирилмоқда.

2009 йили жамоат фонди маблағларини бошқариш Парламент комиссияси танловни ўтказиш учун 130 миллион сўм маблағ ажратган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 250 миллион сўми ташкил этди. Утган вақт давомида Парламент фонди маблағлари ҳисобидан танловда қатнашган 100 нафардан ортик журналист тақдирланди. Шунингдек, 40 нафар ижодкор мамлакатимизда фаолият олиб бораётган нуфузли халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Регионал диалог) Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ОАВ фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотларнинг натижасидир.

Институти (ФЖШМҚМИ) томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган тадқиқотлар республика медиа муҳитини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг ижобий динамикасини, шунингдек, аҳолининг ОАВга ишончи ўсиб бораётгани, улар фуқаролик жамияти институти сифатида қабул қилинаётганлигини намоён этмоқда. Тадбир иштирокчилари ФЖШМҚМИ мутахассислари томонидан 2012 йил давомида ҳудудий босма ОАВ ҳолати юзасидан олиб борилган мониторинг ва тадқиқот натижалари билан танишдилар. Берилган маълумотларга кўра, ҳудудий босма ОАВда танқудий материаллар сонининг кўпайгани ҳамда уларда асосан жойлардаги давлат бошқаруви органлари, маиший хизмат, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти ёритилган. Шунингдек, "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Президент Қароридан кўнда тўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳудудий босма ОАВнинг фаолигини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Эришилган ютуқлар билан бирга кўпгина туман тахририятлари моддий-техник жиҳатдан оқсоқлиги, замонавий асбоб-ускуналарнинг етарли эмаслиги, шунингдек, мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги ҳудудий босма ОАВлар ривожига салбий таъсир қилаётган омиллар сифатида таъкидланди. Бу эса соҳада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигидан дарак беради.

Тадбирда қатнашган эксперт ва мутахассислар томонидан соҳа ривожига доир таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Элдор АСАНОВ, ФЖШМҚМИ ОАВларини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини мониторинг қилиш лойиҳаси катта мутоҳассиси:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан жамоат назоратини таъминлашда, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти катта. Шу маънода институтимиз томонидан ҳудудий босма ОАВни мониторинг қилиш йўлга қўйилган. Мониторинг мобайнида ОАВга доир қонун ва қарорларнинг муҳокамаси юзасидан жойларда 70 дан ортик давра суҳбатлари ташкил қилинди. Барча сайёҳаракатларимиз замирида камчиликларни бартараф қилиш ва ОАВни янада ривожлантириш мақсади ётади.

Мухтарома КОМИЛОВА, "Milly tiklanish" мухбири

**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ**

**“Соё
қўшиғи”**

“Ўзбекино” агентлиги буюртмасига биноан “Ўзбек-фильм” киностудиясида “Соё қўшиғи” номли тўлиқ метражли бадиий фильмнинг суратга олиш ишлари якунланди.

Ушбу фильм “Мустаҳкам оила йили”га бағишланган бўлиб, унга Фахриддин Шамсиматов режиссёрлик қилди. Фильмда фарзандларимиз руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётган компьютер ўйинлари билан боғлиқ воқеа-ходисалар тасвирланади. Фильм сценарийси Игорь Блиндер ва Шароф Бошбеков ҳаммуаллифлигида ёзилган. Бош ролларни — Абдуғофур Исаханов, Баходир Нишонов, Хуршид Тўхтаев, Муштарий Алимжонов, Юлдуз Хамидова ва Нигора Каримбоева ижро этган.

**Фуқаролар
йиғинлари
беллашуви**

Андижон вилоятида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Танловда вилоятдаги 17 та шаҳар, туманлар босқичида 1-2-3-ўринларни эгаллаб, танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритган жами 51 та фуқаролар йиғинлари ўзаро беллашди. Натижаларга кўра, Асака туман “Қайрағоч” МФЙ “Маърифий ва маданий тадбирларни амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни кенг тартиб қилишда фаоллик кўрсатган фуқаролар йиғини” номинацияси голиби бўлди. Бобур номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театри хонандалари томонидан ижро этилган сара кўшиқлар танловга янада файз киритди.

Г. РАҲМОНОВА

**Табиат ва
рассом**

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўرғазмалар залида “Табиат ва рассом” мавзусида XXVIII республика аънъанавий кўрғазмаси очилди.

Рассомларимиз ушбу кўрғазмага ҳамisha алоҳида тайёргарлик кўриб келишадди. Чунки табиат ва борлиқни ифодалаш мўйқалам соҳибидан анча меҳнат талаб қилади. Кўрғазма тарихига назар ташласак, ўтган давр мобайнида ўз услуб ва ижод йўлига эга бир қатор қобилиятли рангташвирич рассомлар авлоди етишиб чиқди. Кўрғазмага қўйилган ҳар бир асар ёшларга маҳорат мактабини ўташи шубҳасиз. Таниқли ва ёш рассомларнинг (ёш рассомларнинг бир қисми илк марта республика миқёсидаги кўрғазмада иштирок этиши) 200 дан ортиқ асарларида юртимизнинг ҳар бир ҳудудига хос табиати, гулу мевалар, меҳр билан чизилган қишлоқ манзаралари, табиат қўйнидаги миллий ва умуминсоний қадриятларни эслатувчи турар-жойлар, маҳаллалар ўз аксини топган. Кўрғазма шу йилнинг 15 декабрига давом этади.

Ҳ.АБДУНАЗАРОВ

КЎЗГҮ

УМРБОҚИЙ АНЪАНАЛАР

Халқ оғзаки ижоди

ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕМИСЛ БОЙЛИГИ



Халқимиз маънавий ва миллий қадриятларга ниҳоятда бой. Биргина ниҳоятдан кейинги маросим ҳисобланган келин саломнинг ўзи ҳар бир ҳудудда ўзига хос тарзда ўтказилади. Асаида келин салом ҳам халқ оғзаки ижодининг ёрқин бир кўринишидир.

Биз эртақлар, лапарлар, айтишувлар, топишмоқлар, аллалар ва мақолларни эшитиб улгайганмиз. Халқимизнинг хаёлий дунёси, юксак тафаккури маҳсули бўлган бу янглик халқ оғзаки ижоди намуналарини тинглаб тафаккур оламимиз кенгайиб, оқни қорадан, яхшини ёмондан фарқлай олдик. Инсонни маънавий юксаклик сари етакловчи бу бой маданий меросимиз асрлар оша ўз қадриятини йўқотмай, йиллар ўтган сари сайқал топиб бормоқда. Агар алла мисолида сўз юритадиган бўлсак, унда онанинг фарзандига бўлган чексиз меҳри, жигарбандига аталган гўзал туйғуларни, хуш тилакларни муҳасам. Алла - ҳаётбахш, хузурбахш, барча

яхшилиги, эзгуликларнинг деб-бочаси, бошланш оҳангидир. Билъакс, унинг ўзи юракнинг нозик торларидан яралиб, дунёларга жон бахш этади. Она алла айтар экан, фарзандининг келажакда бахтли, саодатли ва шу билан бир қаторда, соғлом, кўрқмас, шижоатли, ботир бўлиб улгайишини истади:

**Қўли арслон билаклигим,
Ботир, қоплон юраклигим,
Яхши-ёмон кунимда,
Менга жуда кираклигим
Алла, болам алла-ё,
Жоним, болам алла-ё.**

Алла тинглаган бола меҳри ўз танасига, шуурига сингдиради. Бу гўзал оҳанг инсонда, унинг онг қатламлари-

да бир умр нурли қўшиқ бўлиб сақланиб қолади ва фарзандлар қалбига меҳр-оқибат, самимийлик, раҳмдиллик, юртпарварлик, жасурлик каби ижобий хислатларни жо қилади. Алла нафақат онанинг болага меҳри, балки боланинг онага меҳр-оқибатини ҳам маънан таъминлайди. Шу боис бу қўшиқнинг умри боқийдир. У қайси тилда янграмасин, дилларни титратади, қалбларга фақатгина эзгулик уруғини сепади.

Халқ оғзаки ижодининг бошқа бир қатор жанрлари ҳам борки, уларга биз ҳаётимиз давомида кўп бора дуч келамиз. Масалан бобо-бувиларимиз, аждодларимизнинг кўрган-кечирганлари асосида дунёга келган эртақлардир.

Болажонларимиз учун ниҳоятда қизиқарли ва мароқли бўлган эртақларнинг ҳам турли йўналишлари мавжуд. Жумладан, афсонавий, сеҳрли эртақлар, саргузашт эртақлар, ҳаётий-машиий эртақлар, ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар, халқ қаҳрамонлари ҳаёти тасвирланган эртақлар...

Фольклористик термин сифатида эртақ, айрим ҳудудларда эса матал деб номланувчи, болалигимизнинг беғубор онларида доимо бизга йўлдош бўлган “Зумрад ва Қиммат”, “Кенжаботир”, “Ёрилтош”, “Уч оғайни ботирлар”, “Ур тўқмоқ”, “Чол билан кампир”, “Очил дастурхон”, “Илон пари”, “Подачининг кизи” каби эртақларни бир ёдга олайлик. Халқ оғзаки ижодиётининг энг қадимий, оммавий ва кенг тарқалган жанрларидан бўлган бу эртақларни қайта-қайта тинлаганимиз, ундаги яхшилиг-у ёмонлик, эзгулик-у ёвузликдан таъсирланиб, бувиларимиздан эшитган маталларимиз қаҳрамонларига ўхшаган интилганларимиз ҳали-ҳануз ёдимизда.

Таъкидлаш ўринлики, болалик хотираларимизнинг

қат-қатидан жой олган ўзбек халқ эртақлари халқимизнинг ўтмиш ҳаёти, ижтимоий муносабатлари, урф-одатлари, сиёсий ва ахлоқий тушунчаларини яққол намойиш қила олиши билан аҳамиятлидир. Эртақларни халқимизнинг бадиий тарихи, жонли санъати дейиш мумкин. Улар узоқ ўтмишнинг белгиларини сақлаган ҳолда, инсонларнинг бугунги ҳаёти билан ҳамонанг тарзда ўз кадр-қимматини асрлар оша йўқотмайди, десак хато бўлмайди. Халқ оғзаки ижодининг яна бир қирраси бу латифа ва лофлардир. Кичик ҳажмдаги насрий асарлар ичида латифалар ва лофлар инсонларга қулғу улаштириши ва завқ бағишлаши билан аҳамиятлидир. Азалдан латифа айтувчилар ва лофчилар алоҳида истеъдодга эга, ҳаётий тажрибаси катта инсонлар бўлган. Айтилаётган латифада сўзларга алоҳида ургу бериш, қочирки ва коса тагида нимкоса борлигига шаъма қилиш улар фойдаланган усуллардир. Ҳозирда Фарғона вилоятида халқ оғзаки ижодининг бу жанридан фойдаланишнинг ўзига хос мактаби яратилган, десак муболага бўлмайди.

Энди кексаларимиз томонидан айтиладиган айрим дуолар ҳақида тўхталсак. Бирор сафарга отланаётганимизда катталар “Ой бориб, омон кел”, “Йўлинг беҳатар бўлсин”, “Оллоҳ паноҳида асрасин”, дея дуо қилишади. Эсра бирор хайрли юмушни бажарганимизда “Бошинг омон бўлсин”, “Олганинг олтин бўлсин”, “Хонадонинг фарзандга тўлсин”, дея дуога қўл очишади. Албатта, ушбу эзгуликка йўғрилган тилақлар инсонга руҳий қувват ва ўзига ишонч туйғуларини уйғотади. Демак, халқ оғзаки ижодининг ҳар бир қиррасида ҳаётий ҳақиқат, халқимизнинг орзу-истак ва кечинмалари муҳасамдир. Яна бир ҳақиқат шундаки, биз ҳали халқ ижодиётининг барча жиҳатларини ўрганиб улгурганимиз йўқ. Унинг хали бизга нотаниш қирралари бисёр. Ҳаёт давом этар экан, халқ оғзаки ижоди ҳам мазмун-моҳиятини бойитиб, ўз тарбиявий аҳамияти жиҳатидан кадр топиб бораверади.

**Ўралой ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири**

● САНЪАТ

Миллий рақсларимиз жозибаси

**УНИ АСРАШ ВА ЁШ АВЛОДГА БУС-БУТУН
ЕТКАЗИШ — МУҲИМ ВАЗИФА**



такрор жозибаси, сеҳри билан руҳиятимизга таъсир этган, мафтун қилган гўзал оламдир. «Ўзбекрақс» бирлашмасининг ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам ўзбек миллий рақс мактаби аънъаналарини сақлаб қолиш, миллийлигимизни, халқимизнинг урф-одат ва аънъаналарини ўзида жам этган янги-янги рақслар турларини яратиш, қадимий рақсларимизни тиклаш, уларга янада жозибадорлик бахш этиш, ёшларга ўргатиш ва мерос қолдиришдан иборатдир. Шунингдек,

вилоятларимизда тарқоқ ҳолатда фаолият юритиб келаётган рақс гуруҳларини бирлаштириш, янги истеъдодларни халққа танитиш каби эзгу ниятлар билан тузилган. Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлимларимиз ташкил этилган бўлиб, тажрибали хореографлар, балетмейстрларни ўзида бирлаштирган. Улар билан бирга йил бошидаёқ қилинадиган ишлар режасини ишлаб чиқамиз. Жойларда рақс танловлари, профессионал артистлар иштиро-

кида ёш истеъдодлар ва санъат шинавандалари учун амалий машғулотлар ўтказиш, касбий маслаҳатлар бериш аллақачон асосий иш режамиздан ўрин олган. Бу борада юртимизда ўтказилаётган ўзбек рақс мактаби асосчиси Мукаррама Турғунбоева номидаги рақс танловига жуда кўп ёш раққасларни топиш ва уларнинг ижодидан халқни баҳраманд этишга эришяпмиз.

Бирлашмамиз “Мустақиллик” ва “Наврўз” умумхалқ байрамларида мунтазам равишда иштирок этиб келади. Ҳозирги кунда Конституцияимизнинг 20 йиллиги муносабати билан “Туркистон” саройида бўлиб ўтадиган байрам дастурига катта тайёргарлик қўрилоқда.

Гўзал РАҲМОНОВА

Анаксимен шогирди билан қалин дарактзорда сайр қилиб юрарди. Сўхбат орасида шогирди ундан сўраб қолди: “Устоз, мана сиз буюк элдинлардан сабоқ олган, кўп йиллик ҳаётий тажриба орттириб, донишмандлик мақомига эришган инсонсиз. Лекин негадир ҳали кўп нарсани билмайман, деб нолийсиз. Наҳотки, сиздек донишманд учун ҳам ечилмаган саволлар бўлса дунёда?” Файласуф ўйлиниб қолди ва таёқ олиб ерга иккита доира чизди. Бу доираларнинг бири кичкина, иккинчиси каттароқ эди. — Мана бу кичкина доира сенинг билимларинг, каттаси эса меники, - деди Анаксимен. — Ушбу доиралардан ташқаридаги майдон эса ҳали биз англаб етмаган илмлардир. Энди бир эътибор бергин-а, доира қанчалик кичик бўлса, ундан ташқаридаги майдон ҳам шунча кичик, яъни ҳали биз тушуниб етмаган илмлар камроқдир. Доира катта бўлса, бунинг акси, яъни инсоннинг билим доираси қанчалар кенг бўлса, бу доирага туташ номаълумлик майдони ҳам шунчалар кенгдир.

БИЛАСИЗМИ?

Антарктида устидан вертолётда учиш таъқиқланган. Чунки унга қарамоқчи бўлган пингвинлар мувозанатни йўқотиб йиқилиб тушадилар ва қайтиб ўнглана олмайдилар.

Факс ускунасининг илк нусхаси 1843 йилда, яъни биринчи телефондан олдин пайдо бўлган.

ТУРФА ОЛАМ

“Ақлли” смартфон

**АМЕРИКАЛИК ДИЗАЙНЕР ЮНГКВАН ЧО ЎЙЛАБ
ТОПГАН СМАРТФОН ИНСОН ХАТТИ-ХАРАКАТИГА
ҚАРАБ КЎРИНИШИНИ ЎЗГАРТИРА ОЛАДИ.**

Гап шундаки, “Ақлли” телефон корпуси бир-бирига боғлиқ митти модуллардан таркиб топган. Модуллар телефон соҳибни танлаган функцияни илғаш биланоқ ҳаракатга келади ва аппарат вазиятга қараб формасини ўзгариради. Масалан, телефонга кимдир кўнгирак қилиб қолгудек бўлса, унинг корпуси текис ҳолга келиб қолади. Қулқоқ тугилганда эса телефон гаплашиш учун қулай формага киради. Шунингдек, антика аппарат корпуси ўта сезувчан бўлиб, бармоқлар тафтини дарров илғаш хусусиятига ҳам эга.



Дунёдаги энг узун гилам

**ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ ГИЛАМ ТЎКИШ
ВА УНИНГ УЗУНЛИГИ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ
НАТИЖАНИ ҚАЙД ЭТДИ.**



Шундай қилиб, дунёдаги энг узун гилам Хитой гиламдўзлари томонидан тўқилди. Унинг узунлиги 1160 метр, эни эса 60 сантиметр. Мазкур гиламни тўқишда 700 киши икки ой давомида тер тўқишига тўғри келган. Тўри-да, ахир шундай гиламни оз фурсат ичида, яна қадимги технологияларни қўллаган ҳолда тўқишнинг ўзи бўлади.

Минг дардга даво

**ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯЛИК ОЛИМЛАРНИНГ СЎЗЛАРИГА
КЎРА, АСАЛ, ГУЛ ЧАНГИ, АСАЛАРИ ЗАҲРИ ЁРДАМИДА
ҚОН ТОМИРЛАРИНИНГ КЕНГАЙИШИ, ПСОРИАЗ,
АРТРОЗ ВА ОСТЕОХОНДРОЗ КАБИ ТУРЛИ ХИЛ
КАСАЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ МУМКИН.**

Уларнинг айтишича, асал таркибидаги организм учун жуда зарур бўлган темир, йод, цинк, кобальт, марганец, фтор каби ўттизга яқин микроэлементлар уйқусизлик, ошқозон-ичак хасталиклари ва шамоллашни ҳам табиий йўл билан даволаш, жигарни тозалаш имконини беради. Маълумотларга қараганда, микроэлементлар таркибига кўра асалнинг ўттиз фоизли эритмаси инсон қонидан тайёрланган плазма ўрнини ҳам боса олади. Боиси қон билан асалнинг кимёвий таркиби деярли бир хил. Шунинг учун ҳам асал парҳез таом ва шифобахшлик борасида тенгсиз ҳисобланади.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Эълонлар
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони компьютер жамланмаларини сотиб олиш учун тендер эълон қилди.
**Мурожаат учун телефон: 8 (371) 244-14-98, 244-42-05
Факс: 8 (371) 239-45-77
e-mail: uzmtdpnk@mail.ru**

«Matbuot Rivoji» МЧЖ (Юнусобод тумани, Амир Темури-Эргашев кўчаси, 1-уй, 24-хонадон) 2012 йил 2 ноябрдаги 1-сонли таъсисчи қарорига асосан тугатиш жараёнига киритилди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Юнусобод тумани инспекцияси томонидан 2011 йил 17 октябрда рўйхат рақами 007058-10 билан рўйхатдан ўтказилган. (ИНН: 206962004).

Даъво талаблари 2 ой муддат ичида Юнусобод тумани, Амир Темури-Эргашев кўчаси, 1-уй, 24-хонадонда қабул қилинади.
Телефон: 235-11-94

Газета ҳафтанинг чоршанба кuni чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буғурта — Г 1119, Адади — 4318. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир: Бехбуд БОТИРОВ
Навбатчи: Дилфуза РЎЗИЕВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliy@arkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.40.
ISSN 2010-7714

VATAN TUG'UBI HAR NABARDAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Суван НАЖБИДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Фахржон МУХАМЕДОВ, Улугбек МУХАММАДИЕВ, Шоирон УМАРОВА, Исмаил ХУДОЕВОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Хуршоид ЮСУПОВ, Баходир ШАРОФОВ, Асрор ЭШМУРОВОВ

Бош муҳаррир: Жалолдин САФОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй